

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 11 ноябрь, № 238 (7740) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.**





Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтган мажлисда, шунингдек, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди иштирок этдилар.

Бундан ташқари, саммит ишида ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Мўғулистон Президенти Халтмаагийн Баттулға, Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний, Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченко ҳамда ШҲТ Бош котиби Владимир Норов ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Жумахон Ғиёсов қатнашдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш саммит иштирокчиларига видеомурожаат йўллади.

Учрашув кун тартибига мувофиқ янги глобал хатар ва таҳдидларнинг кучайиши шароитида ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ташкилотга аъзо ва кузатувчи мақомидаги давлатлар делегацияларининг раҳбарлари устувор йўналишларда кўп томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиб, уларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

**Ҳурматли Владимир Владимирович!**
**Ҳурматли давлат раҳбарлари!**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга ушбу учрашувимизни ташкил этгани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Россиянинг ШҲТдаги раислиги пандемия туфайли юзага келган барча қийинчиликларга қарамасдан ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугун кўриб чиқиш учун тайёрланган ҳужжатлар, шубҳасиз, Ташкилотимизнинг роли ва халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳурматли Садир Нурхожоевич Жапаровни саммитимизда кўриб турганимдан мамнунман.

Ўзбекистон қардош Қирғизистоннинг энг яқин қўшниси ва стратегик шериги сифатида мамлакат халқининг тинч тараққиёт ва фаровонлик сари интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Биз, шунингдек, Тоғли Қорабоғ можароси ҳудудидаги ўт очиш ва барча ҳарбий ҳаракатларни бутунлай тўхтатиш тўғрисида Россия Федерациясининг фаол кўмагида эришилган келишувларни олқишлаймиз. Ушбу ҳудудда тинч ҳаёт ва барқарорлик тез фурсатда тикланишига умид билдирамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги кунда ШҲТ ўз тараққиётининг принципиал жиҳатдан янги босқичида турибди.

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг кескин қисқариши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиши, ишсизликнинг ортишига олиб келган пандемия ривожланишимиз суръатларига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бир қаторда, дунёнинг айрим минтақаларида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашяпти, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар кучаймоқда.

Ушбу глобал хатар ва таҳдидларни яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш борасида шаклланган анъаналаримизни асраш ва бойитиш йўли билангина енгиб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда умумий бойлигимиз бўлган қадриятлар — биргаликда тараққиёт сари интилиш, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат, кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибасини ўзида мужассам этган "Шанхай руҳи"ни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ҳар биримиз кучли бўлган тақдирдагина, ШҲТ ҳам кучли бўлади.

Бунинг учун бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, кун тартибимиздаги асосий масалаларга биргаликда муроса излашимиз, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Бугун айнан шундай ёндашув Евроосиё маконида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг бош шартига айланмоқда.

Бу мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари ва орзу-интилишларига мосдир.

**Ҳурматли саммит иштирокчилари!**

ШҲТнинг долзарб вазифалари юзасидан нуқтаи назаримизга қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан.** Иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Бизнинг асосий мақсадимиз — савдо-иқтисодий алоқалар ва саноат кооперациясини жонлантиришдан иборат.

Ишонаманки, бунга эришишнинг энг самарали усули ўзаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, уларни уйғунлаштириш ва рақамлаштириш, мамлакатларимиз ўртасидаги электрон тижоратни ривожлантириш, ўзаро инвестицияларни рағбатлантиришни назарда тутадиган инқирозга қарши қўшма дастурларни амалга оширишдан иборатдир.

Пандемия шароитида савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларимизни ривожлантиришга янги, шу жумладан, "ностандарт" ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Ушбу дастурлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича ШҲТ режасининг асоси бўлиши лозим.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим ҳаётий аҳамиятга эга.

Шунингдек, мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасида Саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурини қабул қилиш тарафдоримиз.

**Иккинчидан.** Пандемия рақамлаштириш жараёнини тезлаштирди. Ахборот технологиялари иқтисодий ўсиш "драйвери"га айланиб бормоқда.

Ўзаро келишилган ўқув дастурлари асосида аҳолини ўқитиш, соҳа мутахассисларини тайёрлашга қаратилган ШҲТнинг рақамли саводхонликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Ушбу саммитнинг Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликка доир баёноти бугун ўз вақтида қабул қилинмоқда, деб ҳисоблаймиз.

**Учинчидан.** Бугунги шароитда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартиришга йўналтириш муҳимдир.

Бу борадаги ҳамкорлигимизни мувофиқлаштириш мақсадида камбағалликка қарши курашиш учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг йиғилишларини ўтказиш механизмини яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

ШҲТга аъзо давлатларнинг мазкур йўналишдаги ҳамкорлиги дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича келишилган чораларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистонда халқаро форум ўтказишни таклиф этаман.

Ушбу ташаббусни рўёбга чиқаришда Хитой Халқ Республикасининг муваффақиятли тажрибаси фойдали бўлишига ишонаман.

**Тўртинчидан.** Мамлакатларимизда аҳоли соғлиғига хавф туғдираётган янги хатар ва таҳдидларга биргаликда қарши курашиш кўламини кенгайтириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун инсоният илгари маълум бўлмаган инфекциялар билан дуч келмоқда. Уларга қарши курашиш кундалик турмушимизнинг бир қисмига айланмоқда.

Шу муносабат билан бугунги саммитда Эпидемия таҳдидларига қарши кураш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг комплекс режаси қабул қилинишини олқишлаймиз.

Унинг амалга оширилишини таъминлаш, хавфли юқумли касалликларнинг тарқалиши тўғрисидаги ахборот билан самарали алмашинувни йўлга қўйиш муҳимдир.

Мамлакатларимизнинг соҳага ихтисослашган шифохоналари ўртасида натижадор ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Эпидемияга олиб келувчи касалликларга қарши кураш бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратишни таклиф этамиз.

Ушбу тармоқ доирасида юқумли касалликларни диагностика, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тажриба алмашиш, врачлар қўшма гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни тайёрлашга қаратилган ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, барча шерикларимизга, аввало, Россия ва Хитойга коронавирус инфекциясига қарши курашда кўрсатилган катта ёрдам ва кўмак учун миннатдорлик билдираман.

Пандемия шароитида соғлиқни сақлашга янги масофавий технологияларни жорий этиш зарурати ҳам ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан Телемедицина соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Концепцияда врачларни кенг турдаги касалликларни даволашда телемедицина услубларини эгаллаш учун ўқитиш ҳамда мазкур соҳадаги илғор тажриба алмашишни назарда тутиш муҳим.

**Бешинчидан.** Бугунги шароитда терроризм, экстремизм ва наркобизнес таҳдидлари нафақат сусаймаяпти, балки кучайиб, янги шакллар касб этмоқда.

Ёшларни ёллаш ва радикаллаштириш, террорчиларни молиялаштиришда ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқларнинг роли ортиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан, ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини Ташкилотимиз маконида хавфсизликни таъминлаш бўйича принципиал жиҳатдан янги вазифаларни ҳал қилишга мослаштириш зарурати ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан, ваколатли идораларнинг амалий мулоқотларини бир неча баробар кўпайтириш, ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Жорий вазиятни мунтазам муҳокама қилиш, шу жумладан, ахборот маконидаги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги қўшма чора-тадбирларни келишган ҳолда амалга ошириш муҳим.

ШҲТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшадиган умумий ҳиссамиз пировард натижада шунга боғлиқ.

Юқорида айтиб ўтилган, барча йўналишларда кузатувчи мамлакатлар, мулоқот бўйича шериклар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштиришни таклиф этамиз.

**Муҳтарам давлат раҳбарлари!**

Бугун Афғонистонда узоқ кутилган тинчликка эришиш бўйича тарихий имкониятни қўлдан бой бермаслик ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ушбу мамлакатдаги хавфсизлик ва тинчлик масаласига бутун ШҲТ минтақасининг барқарорлиги ва иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиши лозим.

Халқаро ҳамжамият, жумладан, ШҲТ давлатларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Афғонистонда низони тинч йўл билан бартараф этишда умидбахш истиқболлар кўринмоқда.

Тинчликка эришиш, Афғонистон халқига иқтисодий ёрдам кўрсатиш йўлидаги ижобий интилишларни қўллаб-қувватлаш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комил, Афғонистоннинг минтақавий савдо-иқтисодий жараёнларга жалб этилиши ҳам ушбу мамлакатнинг тинч ва барқарор тараққиётига хизмат қилади.

Шу муносабат билан, "ШҲТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режасини тез фурсатда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тарафдоримиз.

Афғонистонга унинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи кўприк сифатидаги тарихий ролини қайтаришга хизмат қиладиган транспорт йўлакларини барпо этиш ташаббуслари ШҲТнинг барча мамлакатлари учун янги истиқболлар очади.

Шу ва бошқа масалаларни 2021 йил апрель ойида Тошкентда ўтказиладиган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" халқаро конференциясида муҳокама қилишни таклиф этамиз.

Шу билан бир қаторда, келгуси йили, Ташкилотимизнинг 20 йиллиги арафасида, "ШҲТнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги роли" халқаро конференциясини ўтказиш таклифини илгари сурмоқчиман.

**Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!**

Тожикистон Президенти Эмомали Шарипович Раҳмонни ШҲТдаги раисликни қабул қилгани билан табриклашга ҳамда ушбу шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришда катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УЧ ЙИЛЛИК ДАСТУР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Давлатимиз раҳбари 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида ҳудуднинг ҳар бир шаҳар ва туманини ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган вазифаларни белгилаб берган эди. Шу мақсадда янги тараққиёт дастурини ишлаб чиқиш учун 37 мингта хонадон ва тадбиркорлик субъектлари ўрганилиб, долзарб масалалар аниқланди.

Ушбу таҳлиллар асосида Қорақалпоғистон Республикасини 2020 — 2023 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ, ҳududнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида янги тадбиркорлик субъектларига қатор солиқ имтиёзлари берилмоқда. Бундан ташқари, ривожланишдан ортда қолаётган Тахтакўпир, Бўзотов, Шуманай туманлари ҳамда 45 та шароити оғир маҳалла ва овулларда саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишида янги ташкил этилган корхоналар ҳам имтиёзларга эга бўлмоқда.

Видеоселектор йиғилишида мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросини тизимли ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, 17 та туман ва шаҳарнинг ўзига хос "ўсиш нуқта"ларидан келиб чиқиб, 2020 — 2022 йилларда умумий қиймати 12 триллион 300 миллиард сўм бўлган 1 минг 359 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. 523 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, қарийб 20 мингта янги иш ўринлари яратиш мўлжалланган.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# АҲОЛИНИНГ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикамизда соғлиқни сақлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу тизимларни такомиллаштириш баробарида, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга мазкур соҳада давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, 2025 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, 2022 йилга қадар юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепциялари ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, жисмоний фаоллик ҳамда овқатланиш меъёр ва қоидаларига амал қилмаслик, таркибида туз, қанд, ёғ миқдори кўп бўлган таом ва ширинликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, шунингдек, етарли даражада витамин ва минераллар истеъмол қилмаслик оқибатида ёшларда рационал ўсиш ва ақлий ривожланишда ортда қолиш, катталарда эса юрак-қон томир, эндокрин, хавфли ўсма каби инсоннинг эрта ўлимига олиб келувчи қатор касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# АҲОЛИНИНГ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси оқибатларидан олинган сабоқлар касалликнинг оғирлиги ва ўлим ҳолатларининг катта қисми нотўғри турмуш тарзи туфайли келиб чиқадиган йўлдош касалликлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди.

Аҳолининг соғлом овқатланиши ва жисмоний фаоллигини таъминлашда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, ҳар бир фуқарода соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик маданиятини шакллантириш мақсадида:

1. Аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2021 йил 1 июндан бошлаб:

6 — 23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида **микронутриент кукуни** билан;

6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар **“А” витамини** билан;

2 — 10 ёшдаги болалар **гельминтоз профилактикаси** бўйича махсус препаратлар билан **бепул таъминланади**;

б) 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3 — 15 ёшдаги болалар **йод препарати** билан;

35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар **темир ва фолий кислотаси препарати** билан **бепул таъминланади**;

в) 2021 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи нав буғдой уни билан бир қаторда **олий нав буғдой уни микронутриентлар билан бойитилган** тақдирда республика ҳудудида реализация қилишга рухсат этилади.

2. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан аҳолини соғлом турмуш тарзига ундовчи **“Соғлом турмуш тарзи” платформаси** ишлаб чиқилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мазкур платформани ишлаб чиқишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда унда, жумладан, инсоннинг **тана вазни индексини ҳисоблаш**, унинг ҳаёт тарзини ҳисобга олган ҳолда **кунлик овқатланиш меъёрини тавсия этиш** ҳамда истеъмол қилинаётган таом, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларнинг **калориясини ҳисоблаш** имконини берувчи тўғри овқатланиш бўлимини яратсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И.Баситханова, Б.Т.Одилова, Ў.Х.Адилов) “Соғлом турмуш тарзи” платформасининг тўғри овқатланиш бўлимини илмий асосланган маълумотлар билан доимий равишда тўлдириб бориш учун масъул этиб белгилансин.

3. Болаларнинг 5 ёшгача бўлган даврда оптимал ривожланиши ва ўсишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи **патронажнинг универсал-прогрессив модели** 2022 йил 1 январга қадар босқичма-босқич жорий этилсин:

ҳомиладор ва туғуруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилалар учун амалдаги штатлар доирасида **алоҳида патронаж ҳамшираси**ни бириктириш;

ушбу патронаж ҳамшираси томонидан умумий ҳолати қониқарли ва хавф гуруҳидаги аҳолини аниқлаш ҳамда улар соғлиғининг умумий ҳолатини **дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш**;

умумий ҳолати қониқарли бўлган барча ҳомиладор ва туғуруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилаларни **ягона меъёр асосида бевосита кузатиш**;

руҳий тушкунлик ҳолати, боланинг тўғри овқатланиши ва ривожланиши учун соғлом муҳитни таъминлашда қийинчиликлари мавжуд хавф гуруҳидаги ҳомиладор ва туғуруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари бўлган оилаларнинг ҳар бирига **индивидуал режа асосида кенгайтирилган ёрдам кўрсатиш**.

4. Сирдарё вилоятининг туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида 2021 йил 1 январдан бошлаб эксперимент тариқасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларидан иборат “**Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи**” хоналари ташкил этилсин.

Белгилансинки, “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” хоналари:

аҳолига тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаоллик масалаларида якка тартибда профилактик тадбирларни олиб боради;

республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан зарур моддий-техник воситалар билан жиҳозланади;

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) туман (шаҳар) бўлинмалари штатларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига шакллантирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И.Баситханова) Молия вазирлиги (Ж.И.Абруев) билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар эксперимент натижаларини танқидий таҳлил қилиб, уни республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Марказ, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларига бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббий ходимлари учун диетология бўйича қайта тайёрлаш курсларини, аҳоли учун овқатланиш бўйича маслаҳатчи тайёрлаш курсларини ташкил этиш ваколати берилсин.

6. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтига қўшимча равишда соғлом ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёсининг асосий турларини кенгайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини микронутриентлар билан бойитиш, аҳолининг ёши, жинси, физиологик ҳолати, касби ва касалликларидан келиб чиққан ҳолда соғлом ва парҳезли овқатланиш ҳамда профилактик тиббиёт масалалари бўйича санитария қоидалари ва меъёрларини тайёрлаш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш вазифалари юклатилсин.

Илмий-тадқиқот институти (Ў.Х.Адилов):

2021 йил 1 февралга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида **диетолог мутахассислар ва овқатланиш бўйича маслаҳатчиларни тайёрлаш** бўйича ўқув дастурларини тайёрласин;

2021 йил 1 майга қадар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқотлар институти билан биргаликда аҳолининг ёши, жинси, физиологик ҳолати ва касбига кўра гуруҳлари учун **тавсия этиладиган ўртача кунлик овқатланиш меъёрлари ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқсин**.

7. Марказ (Б.Т.Одилова) тарғибот ишларини таниқли маданият вакиллари ва спортчиларни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда видеоролик шаклида, аҳоли орасида инфографик тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш амалиётини йўлга қўйсин. Бунда, айниқса, нотўғри овқатланиш ва кам ҳаракатланишнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, хусусан, бунинг оқибатида юзага келадиган касалликлар ва уларнинг асоратлари ҳамда касалликлар профилактикаси ва уни даволашда мева ва сабзавотларнинг хусусиятлари, жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишнинг инсон саломатлигига фойдасини ёритишга алоҳида эътибор қаратсин.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Х.Набиев), Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни тизимли амалга оширишда Марказга яқиндан кўмаклашсин.

8. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов, Ж.И.Абруев) 2021 йилдан бошлаб тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича кенг кўламли тарғибот ишларини, жумладан, аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун тарқатма материалларни тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда чиқишларни молиялаштириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, хусусан, соғлом овқатланиш масалалари бўйича муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий лойиҳаларнинг танловлар асосида шакллантирилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

мактабгача таълим ташкилотларида **“Шахсий гигиена ва жисмоний тарбия асослари”** машғулотлари ўтказилади;

республика умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув дарсларини қайта кўриб чиққан ҳолда 1 — 4-синфлар учун “Тарбия” ва “Атрофимиздаги олам” фанлари, юқори синфлар учун “Биология” фани таркибида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича “**Саломатлик сабоқлари**” мавзулари киритилади;

академик лицей, профессионал ва олий таълим муассасаларининг “Жисмоний тарбия” фани доирасида **соғлом турмуш тарзини шакллантириш** бўйича машғулотлар ўтказилади;

тиббиёт техникумларида валеолог, диетолог, нутрициолог мутахассисликларини тайёрлаш, нутрициолог ва диетолог **магистратура (интернатура, клиник ординатура) мутахассисликларини 1 йиллик** ўқув дастурлари асосида тайёрлаш йўлга қўйилади;

тиббиёт олий таълим муассасаларида бакалавриат, клиник ординатура, магистратура, тиббиёт коллежлари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг барча йўналишларида тўғри овқатланиш мавзулари **алоҳида циклда ўқитилади**;

барча мутахассисликлар бўйича врач ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курслари бўйича фан дастурларига **“Соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш мезонлари”** мавзулари киритилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш.Иноятов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган ўқув машғулотларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида ишлаб чиқсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш.Иноятов) ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Р.С.Ирматов):

а) уч ой муддатда малака ошириш ва семинар-машғулотлар ўтказиладиган жой ҳамда уларни молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда қуйидаги дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, жумладан, кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритувчи врач ва ўрта тиббиёт ходимларини диетологияни чуқурлаштириб ўргатган ҳолда **валеология бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш**;

умумий амалиёт шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига асосан **юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси бўйича катта ёшдаги аҳолига маслаҳатлар бериш** юзасидан ўқитиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ходимлари ҳамда декретив гуруҳ вакиллари учун **тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи ва санитар-гигиеник кўникмаларини шакллантириш бўйича семинар-машғулотлар ўтказиш**;

“**Саломатлик йўлаклари**”да давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларини жалб этган ҳолда пиёда ва велосипедда юриш бўйича марафонлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш;

б) 2021 йил 1 октябрга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича тавсиялари асосида юқумли бўлмаган касалликларга оид **диагностика (даволаш) стандартлари ва клиник протокол (қўлланма)ларни қайта тасдиқласин**;

в) 2022 йил 1 январга қадар маҳаллалар кесимида юқумли бўлмаган касалликлар бўйича **“аҳолининг саломатлик профили”**ни яратсин ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб борсин. Бунда аҳолининг овқатланиш характери, тана вазни индекси, алкоголли ичимлик ва тамакига қарамлиликнинг мавжудлиги, артериал босим, қондаги қанд миқдори ва холестерин даражаси каби кўрсаткичларнинг қамраб олинишини назарда тутсин.

11. Белгилансинки, озиқ-овқат маҳсулотларини таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини кўрсатувчи белгилар билан тамғалаш қуйидаги тартибда икки босқичда жорий этилади:

а) 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

озиқ-овқат маҳсулотларини тамғалаш **ихтиёрий равишда** амалга оширилади;

хавфсизлик белгиси билан тамғаланган озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламаси имтиёзли тарифлар асосида тарқатилади (жойлаштирилади);

таълим, спорт ва тиббиёт муассасаларида хавфсизлик белгиси билан тамғаланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга йўл қўйилмайди ҳамда бундай маҳсулотларни реализация қилиш савдо қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб республика ҳудудида реализация қилиш учун олиб кириладиган ва маҳаллий ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини кўрсатувчи белгилар билан **мажбурий тартибда тамғаланади**.

Бунда, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдорини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини белгилаш давлат санитария назорати органлари томонидан амалга оширилади.

12. Қуйидагилар:

**2020 — 2025 йилларда аҳолида соғлом овқатланиш одатини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ;

**2020 — 2025 йилларда аҳолида соғлом овқатланиш одатини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш индикаторлари** 2-иловага мувофиқ;

**2021 — 2023 йилларда қабул қилинадиган озиқ-овқат саноати соҳасидаги халқаро стандартлар** рўйхати 3-иловага мувофиқ;

**2021 — 2023 йилларда қайта кўриб чиқиладиган озиқ-овқат хавфсизлигига оид санитария қоидалари ва меъёрлари** рўйхати 4-иловага мувофиқ;

**мазкур қарорнинг алоҳида бандлари ижросини самарали ташкил этиш бўйича ҳаракатлар режаси** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари миллий стандарт ва меъёрларга мувофиқлигини ҳамда маҳсулот ўрамидаги маълумотларнинг тўғрилигини холис ўрганувчи **“Сифат назорати” телевизион кўрсатуви** намойиш этиб борилишини таъминласин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, “Ўзстандарт” агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда **“Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ҳафталиги” тадбири**ни 2021 йилдан бошлаб ҳар йили ноябрь ойида ўтказишни йўлга қўйсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3818-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги мазмундаги “2106 90 980 3” позиция билан тўлдирилсин:

“2106 90 980 3 Микронутриенты для обогощения муки 0 ”.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М.Хаджибаев, вазир ўринбосари Э.И.Баситханова, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.Қ.Юсупалиев ва Марказ директори Б.Т.Одилова белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 ноябрь

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз тараққиётининг принципиал жиҳатдан янги босқичида турганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш анъаналарини асраш ва кўпайтиришга чақирди. “Умумий қадриятимиз, биргаликда ривожланишга интилишимиз, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурматимиз ифодаси бўлган кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибаси — “Шанхай руҳи”ни мустаҳкамлаш бугун ҳар қачонгидан муҳим” эканини таъкидлади.

Ўзаро қўллаб-қувватлаш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кун тартибидаги асосий масалаларга биргаликда муроса излаш кенг Евроосиё маконида хавфсизлик, барқарор тараққиётни таъминлашнинг бош шарти сифатида қайд этилди. “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ ҳам кучли бўлади”.

Шу муносабат билан, Президентимиз томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, пандемия салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида ШҲТнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва саноат кооперациясини рағбатлантириш бўйича узоқ муддатли ҳужжатларини қабул қилиш орқали савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кучайтириш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий ўсишни таъминлашда ахборот технологияларининг роли ортиб бораётганини қайд этиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва аҳолини ўқитишга қаратилган ШҲТнинг рақамли саводхонликни ривожлантириш бўйича дастурини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди.

Ўзбекистон раҳбари камбағалликни қисқартириш масалаларида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйишнинг долзарб аҳамиятини алоҳида қайд этди. Ташкилот доирасида мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари йиғилишлари механизмини яратиш ва тегишли дастурий ҳужжат тайёрлаш таклиф этилди. Камбағалликка қарши курашиш бўйича келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатимиз халқаро форум ўтказишга тайёр экани билдирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ШҲТнинг Эпидемия таҳдидларига қарши кураш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг комплекс режаси тасдиқланганини маъқуллаб, хавфли инфекцион касалликларнинг тарқалишига қарши ҳамкорликни янада фаоллаштириш, юқумли касалликлар бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратиш, Телемедицина соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари янги шакллар касб этаётган терроризм, экстремизм ва наркобизнес таҳдидларига қарши кураш масалалари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти эътибори марказида бўлиши лозимлигини таъкидлади.

ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкилот маконида хавфсизликни таъминлаш бўйича принципиал жиҳатдан янги вазифаларни ҳал қилишга мослаштириш ҳамда ваколатли идоралар орасидаги мулоқотларни янада кўпайтириш бунга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти саммит иштирокчиларини Афғонистондаги тинчлик жараёнларини ва ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга жалб этишни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шу муносабат билан “ШҲТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тез фурсатда қабул қилиш таклиф этилди. Афғонистонга унинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи кўприк сифатидаги тарихий ролини қайтаришга хизмат қиладиган транспорт йўлакларини барпо этиш ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ва бошқа масалалар Ўзбекистон ташаббуси билан 2021 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Хатар ва имкониятлар” халқаро конференциясининг кун тартибига киритилиши мумкин.

Келгуси йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 20 ёшга тўлади. Президентимиз ушбу муҳим сана арафасида “ШҲТнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги роли” халқаро форумини ўтказишни таклиф этди.

Саммит якунида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Москва декларацияси қабул қилинди ҳамда ташкилот доирасидаги ўзаро манфаатли кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан саммитда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги баёноти қабул қилинди.

**ЎзА.**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УЧ ЙИЛЛИК ДАСТУР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига “хом ашёдан тайёр маҳсулотгача” тизимида ишловчи 27 та саноат кластерини ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Дастурда қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланган. Пахта етиштириш бекор қилинаётган 12 минг гектар майдонда экспортбоп сабзавот экинларини жойлаштириш, фойдаланишдан чиққан 36 минг гектар ерни қайта ўзлаштириш, “Қорақалпоқ-агро” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш шулар жумласидандир. Кунжут етиштириш ва наслли қорамоллар сонини кўпайтириш, Хўжайли туманини чорвачилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш кўзда тутилган.

Шунингдек, йилига 2,5 миллиард куб метр сувни тежаш чоралари кўрилади. Бунинг учун 14 минг 200 километр каналларни таъмирлаш, 45 минг гектар экин майдонида сув тежовчи технологиялар жорий этиш, сув ажратиш нуқталарида ҳисоблагичлар ўрнатиш, 38 минг гектар майдонни лазер ёрдамида текислаш жуда муҳим.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг бу борадаги вазифалари қайд этиб ўтилди.

Дастурда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган Тахтакўпир, Бўзотов, Шуманай туманлари бўйича алоҳида чоралар назарда тутилган. Хусусан, бу туманларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш учун 2021 — 2023 йилларда 409 миллиард сўмлик 172 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, шароити оғир 45 та маҳалла ва овулда умумий қиймати 2 триллион 340 миллиард сўм бўлган 150 та лойиҳа амалга оширилади. Бу лойиҳаларга бериладиган кредитларнинг фоиз харажатлари Марказий банк асосий фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан компенсация қилинади.

Давлатимиз раҳбари янги корхоналар ташкил этиб, аҳолини иш билан таъминлаш, оилаларни камбағалликдан олиб чиқишга кўмаклашиш муҳимлигини таъкидлади.

Йиғилишда Қорақалпоғистон туман ва шаҳарлари қиёфасини янгилаш, йўллар ва уй-жойлар қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги 3 йилда 856 километр автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш, 2 минг 500 километр ичимлик суви тармоқлари қуриш ҳисобига таъминот даражасини 70 фоизга етказиш мақсади таъкидланиб, масъуллар бириктирилди. 7 минг квартирали 235 та, ёш оилалар ва кам таъминланган аҳоли учун 2 минг 84 квартирали 36 та кўп қаватли арзон уйлар қурилиши айтилди.

Нукус шаҳрини реновация қилиш, замонавий инфратузилма объектлари қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида сўз борар экан, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш, тиббиёт бригадалари ташкил этиб, аҳолини скрининг текширувларидан ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди. Мактабларда дарсларни янги методика асосида ташкил этиш, педагогларни шу бўйича малакасини ошириш вазифаси қўйилди.

— Умуман олганда, Қорақалпоғистонда ишларни янгича ташкил этиш ва назорат тизими ўрнатилади. Бунинг учун Олий Мажлис Сенатида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш ва даромадларини ошириш бўйича янги қўмита ташкил этилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда мутасаддилар дастур ижросини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ АМАЛИЙЛИГИ, АНИҚ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоконференция шаклида бўлиб ўтган мажлисидаги нутқи халқаро эксперт доиралари вакилларининг алоҳида қизиқишини уйғотди.*

*Уларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг таклифлари "анъанавий равишда юқори даражадаги амалийлиги, шунингдек, аниқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилгани билан ажралиб туради".*

## «Халқ сўзи» газетаси учун махсус

**Ван Минчан, Хитой замонавий халқаро муносабатлар академияси илмий ходими:**

— Пандемия ҳолатига қарамай, ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоконференция шаклида ўтган мажлиси аъзо давлатларнинг устувор йўналишларда бирлашиш ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш истагини намойиш этди.

Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасидаги фаол роли мамлакатнинг ташкилотдаги ўсиб бораётган мавқеини тасдиқламоқда ва ташкилот доирасида савдо, инвестиция, хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг сифатли суръатига ҳисса қўшмоқда, — деди у. — Бугун халқаро сиёсий ва иқтисодий вазият янада кескинлашмоқда, маҳаллий можаролар ва беқарорлик хавфи ўсишда давом этмоқда. Иқтисодий глобаллашув жараёни жиддий муаммоларга дуч келди, савдо протекционизми ошмоқда, халқаро терроризм ва минтақавий можаролар хавфи ортмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро ҳамжамиятнинг муҳим кучи сифатида халқаро тинчлик, очиқлик, инклюзивлик ва ривожланишни сақлашда янада фаол роль ўйнаши керак.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг савдо-иқтисодий алоқалар ва саноат кооперациясини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, бунда, биринчи навбатда, трансчегаравий савдони қайта тиклаш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва минтақада янги транспорт йўлакларини яратиш бўйича ташаббуслари алоҳида эътиборга сазовор.

Пандемия жаҳон иқтисодиётида жиддий таназзулга сабаб бўлмоқда.

Халқаро тадқиқотларга кўра, 2020 йилда глобал иқтисодиёт 4,5 фоизга қисқаради, глобал молиявий тизим ва иқтисодиётни тиклаш истиқболлари тўғрисида ҳали ҳам катта ноаниқликлар мавжуд.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг камбағалликка қарши курашиш ва ШҲТга аъзо давлатларнинг ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг учрашувлари механизмини яратиш орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва қашшоқликни камайтириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш зарурлиги тўғрисидаги ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ташаббуснинг долзарблиги шундан иборатки, ШҲТга аъзо давлатлар ҳам жиддий иқтисодий турғунлик ва ишсизлик муаммоларига дуч келмоқда. Бундан ташқари, БМТнинг ҳисоботига кўра, дунёдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли ярми COVID-19 пандемияси туфайли даромадларини йўқотиши мумкин, тахминан 71 миллион киши глобал пандемия туфайли ўта қашшоқликка дуч келади.

Ўзбекистон раҳбарининг ШҲТ маконида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ташаббуси савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янги двигатели бўлиши мумкин. Пандемия ва савдо алоқаларини тиклаш зарурати туғилганда, барча томонлар электрон ва онлайн тижоратни қўллаб-қувватлаши, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти ва экспортини кенгайтириши, 5G соҳасида ҳамкорлик қилиши зарур.

Саммит якунида Рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баёнот қабул қилингани 2035 йилгача бўлган даврда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун ўз вақтида ташланган муҳим қадам бўлди.

**Алмаз Абилдаев, сиёсатшунос (Қозоғистон):**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи мазмун-моҳияти бугун дунёда рўй бераётган воқеалар нуқтаи назаридан жуда долзарб ва зарурдир.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида бугун кўпчиликни ташвишга солаётган энг муҳим мавзуларга муносабат билдирди. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда бизнинг улкан минтақамиз раҳбарлари қуйидаги долзарб масалалар ечимига эътибор қаратмоқда: пандемия пайтида муносабатлар қандай амалга оширилиши керак, ушбу янги таҳдид билан қандай курашмоқ лозим? Минтақанинг барча етакчи кучлари ва таҳлилчиларининг саъй-ҳаракатлари ушбу вазиятни қисқа вақт ичида енгишга қаратилган. Давлатларнинг улкан саъй-ҳаракатлари янги вакциналар ва дори-дармонларни яратишга йўналтирилганига қарамасдан ҳалигача дунёда бу инқироз қачон тугаши ҳақидаги саволга жавоб йўқ. Бу офатнинг бошланаётган иккинчи тўлқини нима олиб келади, у қачон тугайди? Жаҳон иқтисодиёти ҳам "вакцинация", яъни қайта тикланиш учун улкан молиявий ва институционал саъй-ҳаракатларга муҳтож бўлмоқда.

Бугунги салбий воқеалар чуқур иқтисодий инқироз хавфини солмоқда, бу дунё мамлакатларида қашшоқликнинг кўпайиши, озиқ-овқат таъминотидаги муаммоларга олиб келиши, бунинг оқибатида минтақа мамлакатлари барқарорлигига таъсир қилиши мумкин.

Ўзбекистон раҳбари бундай шароитда ШҲТ давлатлари яқин ҳамкорлигининг барча имкониятларини самарали ишга солиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу таклиф умумий таҳдидга қарши биргаликда курашиш, бугунги мураккаб вазият талаб қилаётган қарорларни қабул қилишга хизмат қилади.

**Илгар Вализода, "Жанубий Кавказ" сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасидаги таклифлари Тошкентнинг ташкилотга аъзо давлатларнинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантиришга янги туртки бериш истагидан далолат беради. Мамлакат ШҲТ доирасидаги мулоқотга беқиёс ҳисса қўшмоқда ва Марказий Осиё минтақасида барча давлатларнинг узоқ муддатли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янги геосиёсий муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ШҲТ томонидан амалга оширилаётган узоқ муддатли транспорт стратегияси доирасида ишончли алоқаларни таъминлайдиган, ҳамма учун фойдали бўлган транспорт марказига айланди.

Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлигининг тараққиётини Тошкентнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Бу ҳақиқат нафақат ШҲТ давлатлари, балки минтақадан ташқаридаги мамлакатлар томонидан ҳам тан олинади. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисидаги ташаббуси халқаро кўламда юқори эътироф этилганини эслаш кифоя. Мазкур платформа нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки ШҲТнинг минтақадаги қўшни давлатлар билан ҳам узоқ муддатли дастурларни амалга ошириши учун имкон бермоқда.

**«Дунё» АА.**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ ИФОДА ЭТИЛИШИ — АСОСИЙ МАҚСАД

*Бугун парламентда қонун лойиҳалари шунчаки, номигагина эмас, балки халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиниб, танқидий тарзда кўриб чиқилмоқда. Албатта, бу сайловчилар ишончини оқлаш баробарида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида депутатлар кун тартибидаги масалаларни ана шу нуқтаи назардан очиқ ва конструктив тарзда муҳокама қилди.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

### Коллизион нормалар бартараф этилади

Депутатлар "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишдаги муҳокамасида ушбу ҳужжат билан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилиш тартиби ойдинлаштирилганини таъкидлашди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш тартиби ҳамда келишмаганлик учун жавобгарлик масалалари белгиланмоқда.

Эътиборлиси, лойиҳа билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти жорий этилмоқда. Бунда норматив ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кутилаётган натижалар таҳлили, шу жумладан, тахминий харажатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кутилаётган натижаларга мутаносиблиги аниқлаштирилади.

Шунингдек, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тушунчаси ва уни ўтказиш тартиби ҳамда қонунлар ва қонуности ҳужжатларига қўйиладиган асосий талаблар ойдинлаштирилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши коллизион нормалар, икки хил шарҳлаш, коррупция кўринишлари ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларига олиб келувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётини бартараф этишда ҳуқуқий асос бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда норма ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли ўзгартиришларни, шу жумладан, қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилиш механизмини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш таъминланади.

### Аудиторликни тартибга солишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилмоқда

Янги таҳрирдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муфассал кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур қонун лойиҳаси аввалги мажлисларда қизғин тортишувлардан сўнг депутатларнинг кўпчилик овози билан такомилига етказиш ҳамда Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига иккинчи ўқишда қайта киритиш учун қўмитага қайтарилган эди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси лойиҳа устида ишлаб, халқ вакиллари томонидан кўтарилган масалаларга ойдинлик киритди.

Қонун лойиҳасида аудиторлик фаолиятини фақат аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш, аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган тартибларни соддалаштириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аудиторларнинг самарали малака ошириш тизимини ташкил қилиш ҳам белгиланмоқда. Энг асосийси, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун қоғоз шаклидаги лицензия бериш тартибини бекор қилган ҳолда аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг соддалаштирилган реестрини қўллаш тартиби белгиланяпти.

Аудиторлик хизмати сифатини таъминлаш ва ошириб бориш мақсадида махсус ваколатли давлат органи аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда, аудиторлик ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, уларнинг иш сифатини ташқи назоратдан ўтказиб бориши акс этмоқда. Шунингдек, аудиторлик фаолиятини фақат аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш, аудиторлик ташкилотида аудиторларнинг энг кам сонини амалдаги икки нафардан камида тўрт нафарга ошириш талаблари кўзда тутилган бўлиб, бу, ўз навбатида, аудит сифатини оширишга имкон беради.

Халқ вакилларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, аудитнинг халқаро стандартлари асосида мустақил аудит ўтказиш амалиётини татбиқ этиш, аудиторлик ташкилотлари хизматларининг сифати ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг, ушбу ҳужжат депутатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинди.

### Конституциявий суд фаолияти такомиллашади

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўйича Конституциявий суд раисининг ўринбосари А. Ғафуров маъруза билан чиқди.

Ҳозирги кунда Конституциявий суд фаолияти 2017 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонун билан тартибга солинади. Аммо Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал қоидалари Конституциявий суднинг ўзи томонидан тасдиқланган Регламент билан белгилаб берилган.

Аксарият мамлакатлар Конституциявий суди тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бундай қоидаларни Конституциявий суд томонидан эмас, балки қонун билан белгиланиши назарда тутилган. Чунки иш юритишнинг процессуал қоидалари бевосита инсон ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам улар қонун билан белгиланиши лозим.

Бундан ташқари, конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал этилиши лозим бўлган яна бир қатор долзарб муаммолар ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишни тақозо этадиган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қонун лойиҳасида фуқаролар ва юридик шахсларга, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида Конституциявий суд ваколатлари, Конституциявий суд судьясининг мақоми, Конституциявий суд ишларини юритиш, Конституциявий судга мурожаат қилиш ва мурожаатни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ҳамда ўрганиш масалалари аниқ қилиб белгиланмоқда.

### Касаба уюшмалари куни белгиланмоқда

Мажлисда, шунингдек, "Ўзбекистон Касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда қатор соҳа ходимлари байрамлари, жумладан, халқ таълими, тоғ-металлургия саноати, прокуратура, давлат божхона органлари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, геология, шунингдек, матбуот ва оммавий ахборот воситалари, тиббиёт ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Янги қонун лойиҳаси эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, у билан 11 ноябрь кунини Ўзбекистон Касаба уюшмалари куни, деб белгилаш таклиф қилинмоқда.

Эътироф этилганидек, бугунги кунда мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бири сифатида фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси таркибида 32,8 минг бошланғич ташкилотни бирлаштирувчи 14 тармоқ касаба уюшмалари мавжуд. Касаба уюшмаларига аъзоларнинг сони 5,5 миллиондан ортиқ бўлиб, улардан 2,4 миллиондан зиёди аёллар ва 1,8 миллионга яқини ёшлар ҳисобланади.

Федерация томонидан меҳнаткашлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати таъсирчанлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Чунончи, 2016 — 2020 йилларда турли бўғиндаги касаба уюшмалари ташкилотларига келиб тушган 35 мингдан ортиқ мурожаатлар кўриб чиқилган. Натижада иш берувчиларга 2 минг 295 та тақдимнома ва судга 765 та даъво аризаси киритилган, 13 минг 471 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқи тикланган.

Депутатлар мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши касаба уюшмалари ташкилотларини, энг аввало, маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш, ташкилот фидойи ходимларини рағбатлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

### Шогирдлар сафи кенгаяди

Депутатлар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Мажлисда қонун лойиҳасини қабул қилиш заруратига тўхталиб ўтилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш ва ушбу фаолиятни амалга оширишни янада соддалаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу йил ўрталарида пандемия туфайли жорий этилган карантин даврида бу борада айрим муаммолар борлиги кўзга ташланди.

Бинобарин, аввалги Қонунда "ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир" деган чеклов бор эди. Эндиликда ана шу чеклов олиб ташланмоқда. Бу таклиф, аввало, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган эди.

Ишлаб чиқилган лойиҳа ушбу мақсадга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Депутатларнинг қайд этишича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ҳунармандларга шогирдлар сони бўйича чекловларни бекор қилади. Бу эса ҳунармандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, энг муҳими, аҳолининг ишсиз қатлами, яъни ёшлар, аёллар ҳамда мактаб битирувчиларини иш билан таъминлашга имкон беради.

Ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юбориладиган бўлди.

### Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ошган. Нега?

Маълумотларга кўра, шу йилнинг етти ойи давомида республика бўйича ёшлар томонидан 5 минг 914 та жиноят содир этилган бўлиб, бу жами жиноятларнинг 22,5 фоизини ташкил қилади. Олиб борилган ўрганишлар ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 30 фоиз ошганини кўрсатмоқда. Шу вақт мобайнида 464 нафар вояга етмаган шахс томонидан 401 та жиноят содир этилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 36,4 фоиз ошган.

Бу рақамлар, кўрсаткичлар ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўришни тақозо қилади.

Мажлисда "Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида"ги масала юзасидан юборилган парламент сўровига Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Бобожоновнинг жавоби атрофлича кўриб чиқилди.

Парламент сўровига жавобда қайд этилганидек, 2020 йилнинг 9 ойида ички ишлар органлари томонидан манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда профилактик-огоҳлантирув тадбирлари амалга оширилган. Жамоат тартибини бузган, тарбияси оғир, таълим муассасаларидаги дарсларга сабабсиз қатнашмайдиган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир қилган, ўзбошимчалик билан оиладан ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан кетиб қолган, адашган ёки қаровсиз қолдирилган 38 минг 671 нафар вояга етмаган шахс ички ишлар органлари таянч пунктларига келтирилиб, улар билан якка тартибдаги профилактик ишлар амалга оширилган.

Ёш авлод тарбиясида оиладаги муҳитни тўғри ташкил этиш, ота-оналар масъулиятини ошириш муҳим саналади. Вазир жавобида фарзандларини парваришлаш, тарбиялаш борасидаги мажбуриятини бажармаётган 5 минг 92 нафар ота-онага нисбатан тўпланган ҳужжатлар жойлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга юборилиб, тегишли таъсир чоралари кўрилгани қайд этилди.

Соҳада олиб борилган тизимли ишлар натижасида тузалиш йўлига кирган, соғлом турмуш тарзига қайтган 2 минг 887 нафар вояга етмаган ҳамда 3 минг 949 нафар ота-она ички ишлар органлари профилактик ҳисобидан чиқарилган.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кенг имкониятлар яратиб берилаётган бўлишига қарамай, айрим йигит-қизлар наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир этиши ва гиёҳвандлик йўлига кириб кетиш ҳолатлари учраётгани ачинарлидир. Парламент сўровига жавобда ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича манзилли чора-тадбирларни белгилаб, амалиётга татбиқ этаётгани таъкидланди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг парламент сўровига юборилган жавоб депутатлар томонидан маълумот учун қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).**

## Парламент назорати

# БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?



*Бу йил халқимиз кўплаб синовларни бошдан кечирди, таъбир жоиз бўлса, йил оғир келди. Аммо давлатимиз раҳбарининг изчил саъй-ҳаракатлари ва халқимизнинг шижоати билан бу қийинчиликлар ортда қолаётир. Буни Сардоба сув омборида юз берган тошқиндан зиён кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.*

Шу ўринда айтиш жоиз, Олий Мажлис Сенатининг махсус ишчи гуруҳи тузилиб, шу йил 14 — 18 август кунлари Сирдарё вилоятининг талафот кўрган учта туманида амалга оширилган ишлар ўрганиб чиқилди. Бу жараёнга ҳудуддаги сенаторлар ҳам жалб этилиб, муаммоларни аниқлаш мақсадида ушбу туманлар маҳаллий Кенгашлари депутатлари иштирокида аҳоли билан бевосита мулоқотлар қилинди.

Ўрганиш давомида ижобий ишлар баробарида, ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам борлиги аниқланди. Жумладан, 175 та тадбиркорлик субъектидан 32 тасига етказилган зарар 9,1 млрд. сўм миқдорида экани аниқланган бўлса-да, қолган 143 та тадбиркор мол-мулкига етказилган зарар миқдори бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилинмаган ва зарарни қоплаш бўйича зарур амалий чора-тадбирлар кўрилмаган. Айни чоғда умумтаълим объектларини таъмирлаш, тиклаш ҳамда қайта қуриш ишлари белгиланган муддатларда бажарилмаган.

Ана шу камчилик ва муаммоларни муҳокама этиб, бартараф қилиш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг Сирдарё вилоятида сайёр мажлиси ташкил этилди. Қолаверса, Сенат Кенгашининг мазкур масала юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда юқори палатанинг 2020 йил 5 сентябрдаги "Сардоба сув омбори" тўғонида юз берган техноген ҳолат оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш якунлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар рўёбга чиқарилаётир.

Хусусан, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, тиклаш ва янгидан қуриш учун дастлабки ҳисоб-китобларга асосан ажратилган маблағлар бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига биноан яна қўшимча 15 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратиш масаласини ҳал этиш борасида Молия ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликларига топшириқ берилган.

Сув омборидаги техноген офат натижасида ҳудуддаги ирригация ва мелиорация тизимига ҳам катта зарар етган бўлиб, уларни таъмирлаш-тиклаш бўйича дастлабки босқич ишлари учун ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан жами 90 миллиард сўмдан зиёд маблағлар талаб этилади. Бугунги кунгача ишнинг асосий қисми бажарилган. Аммо бу борадаги ишларни тўла якунлаш учун яна қўшимча 68,6 млрд. сўм маблағ керак бўлади.

Шу билан бирга, 54 та фермер хўжалигининг 4 минг 204 гектар пахта ва ғалла майдонлари бўйича суғурталанмаган 9,5 млрд. сўмлик зарарни қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармойишига асосан республика бюджетидан маблағ ажратилган. Аммо ўрганишлар давомида улардан фақат 51 тасининг мол-мулкига зарар етганлиги маълум бўлди.

Шу боис кредитлари суғурта қилинмаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрилган зарар ўрнини қоплаш манбасини аниқлаш борасида ҳам аниқ чоралар кўрилди.

Сенаторлар томонидан ҳудуддаги истиқболли лойиҳалар масаласига ҳам эътибор қаратилди. Булар — Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида 2020-2021 йилларда қўшимча ўн мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш мақсадида қиймати 2 миллиард сўмдан зиёд 323 та лойиҳа, хорижий кредит линияси бўйича эса 75 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 31 та лойиҳани амалга ошириш, 2 та лойиҳа бўйича 310 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини тезлаштириш масалаларидир.

Айни пайтда ушбу лойиҳалар ижроси юзасидан ҳудудда тегишли тадбирлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда 182 та лойиҳа ишга туширилиб, 5 мингга яқин иш ўринлари яратилган, зарур кредит маблағлари йўналтирилган.

Ичимлик суви объектларини қуриш-таъмирлаш, янги қурилаётган кўп қаватли уйларни ичимлик ва оқова сув тизими билан таъминлаш юмушларини тезкорлик билан якунига етказиш ишлари олиб борилмоқда.

Яна бир жиҳат. Сенаторлар фуқаролар мурожаатларига ҳам устувор аҳамият қаратиб, уларни жойига чиққан ҳолда ўрганди. Хусусан, Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба туманларидан 25 та мурожаат келиб тушган бўлиб, ишчи гуруҳ томонидан 14 та мурожаат ижобий ҳал қилинди, 11 та мурожаат бўйича тушунтириш берилди.

Сенат аъзолари саъй-ҳаракатлари билан ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектларида бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун қурилиш ташкилотларига тўланмай келинган 9,5 млрд. сўм маблағ тўлиқ ундириб берилди.

Сардоба туманидаги "Global Idea" МЧЖ томонидан умумий қиймати 14 миллиард сўмлик мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш учун Халқ банки томонидан кредит маблағи ажратиб берилди. Натижада ҳудудда 550 та иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлди.

Қолаверса, маблағ ажратилиши кечиктирилгани сабабли Мирзаобод туманининг "Ҳақиқат" МФЙда жойлашган "Нуронийлар маскани" негизида "Ёшлар меҳнат гузари"-ни ташкил этиш бўйича тўхтаб қолган лойиҳани якунлаш учун ҳам тегишли маблағ ажратилди. Шунингдек, талафот кўрган учта туманда жамоатчилик ишларига жалб қилинган жами икки минг нафарга яқин фуқароларга шу пайтгача тўланмай келинган бир миллиард сўмдан зиёд маблағ тўлаб берилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Сирдарё вилоятининг тошқиндан зарар кўрган ҳар бир туманида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёндан сенаторлар ҳам четда тургани йўқ. Юқори палата Кенгаши қарори ижросини таъминлаш мақсадида тегишли қўмиталар томонидан тизимли назорат тадбирлари йўлга қўйилган. Шу мақсадда мазкур ҳудуддан келиб тушаётган ҳар бир мурожаат зудлик билан ўрганилиб, зарур чоралар кўрилаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

# БУЮК ҒОЯЛАР БУЮК ИНСОНЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Кейинги йилларда мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда, залварли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу борада, шубҳасиз, Президентимиз томонидан илгари сурилаётган янги ғоялар ва ташаббуслар ҳамда у киши бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсат дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.*

*Мухбиримиз шулар хусусида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар номзоди Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбатлашди.*

## Бизнинг суҳбат

**— Мирзо Улуғбек Элчиевич, янги Ўзбекистондаги янги Уйғониш — учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш ғояси нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ташаббус кенг ўрганилиб, атрофлича шарҳланмоқда, қўллаб-қувватланмоқда, кўплаб амалий ва самарали таклифлар айтилмоқда. Сиз, катта тажрибага эга сиёсатчи, ҳуқуқшунос ҳамда олим сифатида бу борадаги фикрларингизни газетхонларимиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Ватан манфаатларини, нуфузини, халқ ҳаётини, фаровонлигини юксакларга кўтаришни мақсад қилган улуғвор ғоялар одамларда доим катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Давлатимиз раҳбарининг ўз тараққиётининг мутлақо янги босқичига дадил қадам қўйган ва залварли одимлар ташлаётган янги Ўзбекистондаги янги уйғониш — учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш ғояси, шубҳасиз, амалга оширса бўладиган буюк мақсад, реал ишдир...

Тўрт-беш йилнинг нари-берисида Ўзбекистонда очиқлик, ошкоралик, демократия тамойилларини амалда кўриш мумкин, дейилса, ишониш қийин эди. Бугун у ҳаёт тарзимизга айланди. Бу, реал ҳақиқат. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, янгидан-янги лойиҳалар, илм-фан, маърифатни юксакларга кўтариш, инновацион ривожланишга эътиборни бир хаёлимиздан ўтказиб кўрайлик. Дин ва эътиқод эркинлиги мустаҳкамланиши, она тилимизнинг давлат тили сифатидаги нуфузининг амалда ошгани-чи...

Ўз қобиғига ўралиб яшаган давлат қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни дадил тиклади, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини глобал муаммоларга қаратди, тадбиркорликка кенг йўл очилди, миллий валюта эркин конвертацияси таъминланди, транспорт инфратузилмаси ривожланди, бир умр биқиқ муҳитда яшаган халқимиз уйғона бошлади...

Ана шу уйғониш самараси ўларoқ, жамиятни емириб ётган неча асрлик ҳадик диллардан кўчди. Адолат мустаҳкамланаётганига ишончимиз ортди, сўз ва фикр эркинлиги, илмий-ижодий руҳ, ташаббускорлик, одамларда ўз салоҳиятини намоён этиш сари дадил интилиш, сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқи ва имкониятлари амалда кенгайди.

Неча ўн йиллар, ҳатто асрлар оша халқимиз учун армон бўлиб келган бундай имкониятлар бугун, яна таъкидлайман, ривожланган давлатлардаги каби осойишта ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди. Бошқача айтганда, мамлакатимизда адолатли жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самарасини юртдошларимиз бугун ўз ҳаётида ҳис этиб турибди.

**— Сизнингча, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун мамлакатимизда имконияту асослар етарлими?**

— Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун таълим-тарбия, илм-фан, маърифат ва маданиятни изчил ривожлантириш ғоясининг бош драйвер — локомотив сифатида танлангани ушбу ташаббуснинг ғоят ҳаётийлигини таъминловчи энг муҳим омилдир. Миллатнинг илм-маърифати ошгани сари фаровонлиги шунчалик юксалиб бораверади.

"Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз, — деб таъкидлади Президентимиз Шавкат Мирзиёев. — Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз".

Ушбу соҳаларга қаратилаётган эътибор, йўналтирилаётган сармоялар, сарфланаётган куч-ғайрат муттасил ошиб бориши натижасида жамиятнинг қолган барча тармоғи ҳаракатга келади, ривож топади.

Бу, яқин истиқболда юртимиздаги барча болалар мактабгача таълим даргоҳлари билан тўла қамраб олинади, дегани. Бу, миллий ҳаракат кўламини олган мактаб таълими янада равнақ топиши, ёшлар олий таълим юртларида таҳсил олиши, илм-фан билан машғул бўлиши учун имкониятлар мисли кўрилмаган даражада кенгайишидан далолат. Бу, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали минглаб, миллионлаб кадрлар етишиб чиқади, дегани. Бу, мустақил Ўзбекистон, боболаримиз орзу қилганидек, фозил инсонлар мамлакатига, жаҳоннинг энг йирик иқтисодий, илмий, ижодий, техник кашфиётлар, маданият ва санъат марказларидан бирига айланади, дегани. Бу, халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти янада юксалиб, янги Ўзбекистон илмий-ижодий, техник, тафаккур зеҳни билан дунёни лол қолдирадиган буюк алломалар юртига айланади, дегани...

Ўтган тўрт йилдан буён амалга оширилаётган шижоатли, кўлами кенг ва комплекс ислоҳотлар натижасида бугун жамиятимиз, онгимиз ҳамда тафаккуримиз ўзгармоқда, мамлакатимиз қиёфаси кўркамлашиб бормоқда. Буни нафақат халқимиз, балки янги Ўзбекистондаги буюк ўзгаришларни диққат билан кузатиб турган олам аҳли ҳам кенг эътироф этмоқда.

Ҳамюртларимиз энди биладики, улар қаерда бўлмасин, давлатимиз ҳимоясидадир. Дунёда пандемия авж олган, турли ҳудудларда низолар олови бот-бот бўй кўрсатиб турган таҳликали замонда, Бутунжаҳон қонун ва тартиб индексига кўра, Ўзбекистонимизнинг энг тинч ҳамда осойишта мамлакатлардан бири сифатида алоҳида эътироф этилиши бу ишончни янада мустаҳкамлаши табиий. Зеро, фақат тинч, осойишта юртдагина улуғвор ғоялар амалга ошиши, орзулар ушалиши, кут-барака бардавом бўлиши мумкин.

> Жаҳонда рақобат тобора кучайиб бораётган бир пайтда стратегик бош мақсаднинг — миллий тараққиёт истиқболининг тўғри белгиланиши халқимизнинг улкан бахтидир. Донишмандлар айтадиларки, буюк ғоялар буюк инсонларнинг камол топишига хизмат қилади. Буюк зотлар, улуғ мутафаккирлар эса ўз халқи ва Ватанининг нуфузини юксакларга кўтаради.
> Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аждодларимизнинг буюк яратувчанлик, илмий-ижодий салоҳиятига ғоят мос учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишдек эзгу ғоянинг амалга оширилиши Ўзбекистонимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишида, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

**— Бундай ютуқларга эришиш осон бўлаётгани йўқ**...

— Албатта. Бу ютуқларнинг замирида узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат, улкан заҳмат, изланиш, донишмандлик, мустақил Ватанимизга, она халқимизга чексиз меҳр, энг муҳими, катта сиёсий ирода мужассам. Ўтган қисқа муддат ичида ғоят долзарб, кўлами кенг дастурлар, вазифалар ҳамда лойиҳаларни ўзида мужассам этган Ҳаракатлар стратегияси белгилаб олинди ва ижроси изчиллик билан таъминланмоқда.

Янги қонунлар қабул қилинди, барча даражадаги халқ вакиллик ва ижро органлари таркиби даврийлик принципи асосида тубдан янгиланди. Давлат бошқарувига миллатни энг эзгу ғоялар остида бирлаштиришни дилига маҳкам туккан янги куч келди.

Бундай улкан меҳр-эътиборни ҳис этиб яшаётган бунёдкор халқимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган даъваткор ғояни ўзида ифода этган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Барча ўзгаришларда камарбаста бўлаётган халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти тобора ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган олий ўқув юртлари, жумладан, хорижий олий таълим даргоҳларининг филиаллари сони сезиларли даражада кўпайди. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда минглаб ўғил-қизлар таълим олмоқда. Бу — улкан имконият. Буни рақамларда ифодалайдиган бўлсак, сўнгги тўрт йилда юртимизда 43 янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 120 тадан ошди. Бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин, бошқача айтганда, ўтган йилдагига нисбатан қирқ фоиз кўп йигит-қизлар ҳужжат топширди. Бу ёшларнинг илмга чанқоқлиги, буюк кашфиётларга қодирлиги, давлатимиз олиб бораётган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ва бундай сиёсат уларнинг орзу-истакларига мос эканлигидан далолатдир.

Асосийси, бу, билим олишни, замонавий касб-ҳунарларни чуқур эгаллашни, илм-фан билан шуғулланишни мақсад қилган ёшларнинг танлаш имкониятини кенгайтирибгина қолмай, юртимизда илмий-ижодий салоҳиятни кўтаришга ҳам самарали хизмат қилади.

Илмга ташналик халқимизнинг қонида бор. Боболаримиз илмни саодат калити, деб билганлар. Илгари абитуриент бор-йўғи битта олий ўқув юртига ҳужжат топшириши ва ўқишга кириши мумкин эди. Энди у нафақат Ўзбекистондаги, балки дунёнинг исталган давлатидаги университет, институт ҳамда коллежларда таҳсил олиши мумкин. Минглаб фарзандларимиз бундай имкониятдан самарали фойдаланмоқда ҳам. Чунки қунти ва ғайрати баланд ёшларимиз бугун нафақат ўз она тили — ўзбек тили, балки чет тилларини ҳам пухта билади. Замонавий ахборот технологияларини чуқур эгаллаган.

Шу ўринда яна бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман. Дунёнинг қайсики давлатида олий маълумотли мутахассислар кўп бўлса, ўша мамлакатда халқнинг фаровонлик даражаси ғоят юқори. Япония, Канада, Жанубий Корея, Германия бунга яхши мисол. Олий маълумотлилар ушбу мамлакатларда ёши йигирма беш ёшдан юқори аҳолининг эллик фоизидан кўпроқни ташкил этади.

Жорий йилда айрим йигит-қизларимизнинг бир йўла Ўзбекистондаги ва чет эллардаги ўнлаб университетларнинг талабалари сафидан жой олгани, нафақат яратилаётган ана шундай кенг имкониятларнинг шарофати, балки ёшларимизнинг билим даражаси, орзу-умидлари, истаклари, интилишлари ошиб бораётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас".

**— Бундай янгиланиш "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига 2019 йили ўтган сайловлар жараёнида ҳам ёрқин намоён бўлганди. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, умумэътироф этилган халқаро талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги Сайлов кодекси асосида ўтказилган сайловлар халқимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий билими ҳамда маданияти ўсиб, жамиятда демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Сайлов жараёнларини бошқариш бўйича автоматлаштирилган тизим ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати илк бор жорий этилди. Чет элларда вақтинча яшаб турган меҳнат муҳожирлари, талабалар ҳамда бошқа ватандошларимизга сайловларда қатнашишлари учун кенг шароит яратилди. Озодликдан маҳрум этилган, бироқ оғир ва ўта оғир жиноят содир қилмаган маҳкумларга илк бор овоз бериш имконияти яратилди.

Айни пайтда сайлов куни мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги олтмишта сайлов участкасига тажриба-синов сифатида ўрнатилган 120 та видеокамера сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказига ва интернет орқали онлайн режимда бутун дунёга намойиш қилиб турди. Йигирмата сайлов участкасида овоз бериш чоғида фуқароларнинг шахсини аниқлаш учун биометрик ҳужжатларни "ўқийдиган" олтмишта қурилмадан тажриба сифатида фойдаланилди.

Бундай илғор амалиёт келгуси сайловларда янада кенг қўлланилади ва келажакда сайловларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида, халқаро стандартларга тўла мос равишда, очиқ-ошкора, шаффоф, соғлом рақобат руҳида ўтишига хизмат қилади.

> Давлатимиз раҳбарининг ўз тараққиётининг мутлақо янги босқичига дадил қадам қўйган ва залварли одимлар ташлаётган янги Ўзбекистондаги янги уйғониш — Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш ғояси, шубҳасиз, амалга оширса бўладиган буюк мақсад, реал ишдир...
> Тўрт-беш йилнинг нари-берисида Ўзбекистонда очиқлик, ошкоралик, демократия тамойилларини амалда кўриш мумкин, дейилса, ишониш қийин эди. Бугун у ҳаёт тарзимизга айланди. Бу, реал ҳақиқат.

**— Сайловлар жараёнида муайян камчилик ва муаммолар ҳам кўзга ташлангани сир эмас. Бу ҳақда нималар дея оласиз?**

— Саволингиз ўринли. Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг шарофати шундаки, нафақат қўлга киритилаётган ютуқлар, балки мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳам баралла айтилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йилнинг февралида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда барча ҳудудда сайловчилар, сайлов ташкилотчилари, маҳаллий раҳбарлар иштирокида қизиқарли давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда эришилган ютуқлар, камчиликлар ҳамда дуч келинган муаммолар чуқур ва танқидий таҳлил қилиниб, истиқболда сайловларни янада самарали ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий билим ҳамда электорал маданиятини янада ошириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мулоқотлар чоғида, шунингдек, халқаро ташкилотлар хулосаларида, ижтимоий тармоқлар орқали оддий сайловчилар томонидан илгари сурилган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, Ўзбекистон сайлов тизимини янада демократлаштириш, миллий сайлов қонунчилиги ҳамда амалиётини такомиллаштиришга оид маълумотлар умумлаштирилган "Сайлов — 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар" рисоласи тайёрланди.

**— Ушбу рисола ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.**

— Бу — Марказий сайлов комиссиясининг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга оид ўз фаолиятини танқидий нуқтаи назардан ўрганган ҳолда, бундай кенг кўламли таҳлилий ахборотни, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари бўйича таклифларни жамоатчилик эътиборига илк бор ҳавола қилиши. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган рисоладан миллий сайлов қонунчилиги ҳамда амалиётини янада демократлаштириш борасидаги ғоят қизиқарли маълумотлар ва таклифлар жой олганки, бу жамоатчиликнинг эътиборини тортмасдан қолмади.

Жумладан, Конституциямизнинг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бир вақтнинг ўзида иккита маҳаллий вакиллик органи депутатлигига номзод этиб кўрсатилган фуқароларнинг сайловолди тарғиботини олиб бориш, учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши сир эмас. Бу масалада Марказий сайлов комиссиясига ҳам бир қатор мурожаатлар келиб тушган.

Шуларни эътиборга олиб, қонунда бир номзод фақат битта сайлов округидан ва битта маҳаллий вакиллик органига сайланиши мумкинлигига оид қоидани ўрнатиш таклиф қилинмоқда.

Миллий сайлов қонунчилигига ўзгартириш киритиш орқали, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тугатиш ва уларнинг ваколатларини туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юклаш ҳам асосли таклифлардандир.

Сиёсий партияларга сайловларда янада кенгроқ эркинлик яратиш мақсадида, ташқи реклама воситалари ва электрон мониторларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгилаб берилган шаклдаги тарғибот ҳамда ташвиқот материалларини жойлаштириш ва бунда уларни бепул ажратиш амалиётидан воз кечиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда партиялар ҳамда номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини ўтказиш асносида ўзаро ўхшашлик, бир хиллик, такрорланиш ҳолатлари ва бошқалар кузатилмайди.

Қайд этилганидек, келажакда сайлов жараёнларига ривожланган давлатларда бўлгани каби ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш кун тартибидаги асосий масалалардан бўлиб турибди.

**— Аёнки, мақсад қанчалик аниқ ва улуғвор бўлса, унга эришиш шунчалик шарафли бўлади...**

— Ҳақ гап. Жаҳонда рақобат тобора кучайиб бораётган бир пайтда стратегик бош мақсаднинг — миллий тараққиёт истиқболининг тўғри белгиланиши халқимизнинг улкан бахтидир. Донишмандлар айтадиларки, буюк ғоялар буюк инсонларнинг камол топишига хизмат қилади. Буюк зотлар, улуғ мутафаккирлар эса ўз халқи ва Ватанининг нуфузини юксакларга кўтаради.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аждодларимизнинг буюк яратувчанлик, илмий-ижодий салоҳиятига ғоят мос учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишдек эзгу ғоянинг амалга оширилиши Ўзбекистонимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишида, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Бунинг учун биз, аввало, Ватанимизда мустаҳкам қарор топган тинчлик-осойишталикнинг, яратилаётган кенг имкониятларнинг қадрига етишимиз зарур. Айни пайтда, улардан самарали фойдаланган ҳолда, бутун куч-ғайрат ва иқтидоримизни аямай, эл-юртимизнинг бугуни ҳамда эртанги куни янада фаровон, тўкин ва осуда бўлиши учун бир ёқадан бош чиқариб, халқимизга фарзандлик меҳри ҳамда садоқати билан хизмат қилишимиз даркор.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

## Марафон

# «ЯНГИ НАФАС» АНДИЖОНДАН БОШЛАНДИ

*Андижон шаҳрида "Янги нафас" шиори остида югуриш марафони бўлиб ўтди. Вилоят марказининг Ўзбекистон кўчаси бўйлаб уюштирилган соғломлаштириш тадбирида турли ёшдаги спортсеварлар қатнашди.*

— Марафон мамлакатимизнинг энг шарқий ҳудуди бўлган Андижондан бошланиб, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида ниҳоясига етади, — дейди Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Ўткирбек Тошпўлатов. — Старт чизиғига тўпланган икки мингга яқин кўнгиллилар гуруҳларга бўлинган ҳолда беллашди. Асосан, ёшлардан иборат соғлом турмуш тарафдорлари орасида ўқитувчилар, енгил атлетика билан мунтазам шуғулланувчилар, кексалар ҳам бор.

Спорт кийимидаги бир гуруҳ нуроний отахонлар ва онахонлар чеҳраси қуёшли куз тафтидай илиқ.

— Давлатимиз раҳбари соғлом турмуш тарзи тарғиботига алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Андижон шаҳар бўлимининг кексалар ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Тоҳиржон Тўйчиев. — Жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратиляпти. Бу бизга кўтаринки кайфият, баланд руҳ беряпти. Ушбу тадбирнинг "Янги нафас" шиори остида ўтаётганида ҳам рамзий маъно бор. Юртимизда инсонлар саломатлигини асраш борасида амалга оширилаётган ишлар чиндан ҳам ҳаётимизга янги нафас олиб кирмоқда. Мана, фаол нуронийлар кунни яёв юришдан бошлашни, автомобиллардан ҳоли кўчалар бўйлаб сайр қилишни одатга айлантирди.

Стартдан марра чизиғигача бўлган уч минг метр масофани югуриб ўтганлар, асосийси, ютиш эмас, иштирок этиш тамойилига амал қилишди. Шундай бўлса-да, ҳар қандай мусобақада бўлгани каби биринчилар марафон ғолиблари сифатида эътироф этилди. Уларга вилоят ҳокимининг совғалари топширилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

## Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси олдин фойдаланишда бўлиб, хизмат муддатини ўтаган, ҳозирги кунда ҳисобдан чиқарилган кийим-кечак, ётоқ анжомлари ва пойабзаллар қийқиндиларини сотиш бўйича танлов савдоларини эълон қилади.*
**(танлов накд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади).**

| т/р | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | 1 кг.нинг нархи (сўмда) |
|---|---|---|---|
| 1. | Қўпол матоли қийқинди (ветошь грубая) | 1 кг. | |
| 2. | Юмшоқ матоли қийқинди (ветошь бельевая) | 1 кг. | |
| 3. | Пахтали қийқинди (ветошь ватная) | 1 кг. | |
| 4. | Брезентли қийқинди (ветошь брезент) | 1 кг. | |
| 5. | Сунъий мўйна қийқинди (искусственный мех) | 1 кг. | |
| 6. | Бошқа қийқиндилар (утиль обувной) | 1 кг. | |

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун ушбу фаолият билан шуғулланишга берилган лицензия, гувоҳнома ва мувофиқлик сертификатидан нусха тақдим қилиниши лозим.

Танлов таклифлари ёпиқ ҳолатда хат ва электрон узатма (жўнатма) тартибида қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 71-258-58-70. Факс: 71-258-56-57.

Манзил: 100102, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй.

Электрон почта: akademiyafvv@mail.ru

## Диққат, танлов!

**Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги 124-сонли қарорига асосан амалга оширилаётган "Осиё тараққиёт банки иштирокидаги А-380 Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу автомобиль йўлининг 964-1204 км. қисмини реконструкция қилиш" лойиҳаси доирасидаги Интеллектуал транспорт тизими (ITS) ва ҳаракат вақтида оғирликни ўлчаш тизимларини (WIM) ташкил этиш лойиҳаси бўйича харид, лойиҳа-экспертиза ҳамда техник назоратни амалга ошириш юзасидан консалтинг хизматларига танлов эълон қилади.**

Қизиқиш билдирувчи консультантлар ўз таклифларини 2020 йилнинг 7 декабрь куни соат 23.59 гача тақдим этишлари мумкин.

Тендер иштирокчиларининг таклифлари Осиё тараққиёт банкининг амалдаги харид йўриқномаларига асосан баҳоланади.

Қуйидаги манзилгоҳдан қўшимча маълумотлар олишингиз мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 68-"А" уй, 615-хона, Автомобиль йўллари қўмитаси.

Телефон: 95-145-90-55.

Электрон манзил: http://www.uzavtoyul.uz/, https://www.adb.org/

Электрон почта: mff-pmu-240@mail.ru

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди жамоаси фонд раҳбари Амирқул Каримовга онаси **Тошой ЭШМЎМИН қизининг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6